

**ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ ВА ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД  
ҚИЛИШ: ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Қаюмов Зоир Эргашевич**

*ТДЮУ “ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ” КАФЕДРАСИ МУСТАҚИЛ  
ТАДҚИҚОТЧИСИ*

**Аннотация:** *Мазкур мақолада жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг муҳим шаклларида бири бўлган ярашув институтининг назарий-ҳуқуқий асослари, халқаро тажриба ва Ўзбекистон қонунчилигидаги ўрни таҳлил қилинган. Шунингдек, Германия, Франция, АҚШ, Буюк Британия, Нидерландия, Швейцария, Қозоғистон ва бошқа давлатлар қонунчилигида ярашув, медиация, plea bargaining ва транзакция каби институтларнинг қўлланилиш хусусиятлари ёритилган. Муаллиф томонидан Ўзбекистонда ярашув институтини такомиллаштириш, унинг қўлланиш доирасини кенгайтириш ҳамда медиация механизмларини жорий этиш бўйича таклифлар илгари сурилган.*

**Калит сўзлар:** *ярашув институти, медиация, жиноий жавобгарликдан озод қилиш, plea bargaining, тикловчи адолат, жиноят-процессуал ҳуқуқ, инсонпарварлик тамойили, юридик жавобгарлик.*

## **КИРИШ**

Бугунги кунда жиноят-ҳуқуқ сиёсатида инсонпарварлик, адолат ва процессуал иқтисодийлик тамойилларини таъминлаш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг муқобил шаклларида бири бўлган ярашув институтининг аҳамияти ортиб бормоқда.

Ярашув институтининг моҳияти айбдор шахс ва жабрланувчи ўртасида ўзаро келишувга эришиш орқали жиноий таъқибни тугатишдан иборат. Мазкур институт орқали нафақат жабрланувчининг бузилган ҳуқуқлари тикланади, балки жиноят содир этган шахснинг ижтимоий реабилитациясига ҳам эришилади.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, ярашув институти турли давлатларда турлича ҳуқуқий шаклларда намоён бўлади. Айрим давлатларда у “ярашув”, бошқаларида “медиация”, “келишув битими”, “plea bargaining” ёки “транзакция” каби тушунчалар орқали қўлланилади. Бироқ уларнинг умумий мақсади жиноий-ҳуқуқий можароларни инсонпарварлик ва тикловчи адолат тамойиллари асосида ҳал қилишдан иборат.

## **Ярашув институтининг ҳуқуқий табиати ва аҳамияти**

Ярашув институти жиноят ҳуқуқида тикловчи адолат концепциясининг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси жазолаш эмас, балки бузилган ижтимоий муносабатларни тиклаш, жабрланувчи манфаатларини таъминлаш ва айбдор шахсни жамиятга қайта интеграция қилишдан иборат.

Н.Мухторов таъкидлаганидек, ярашув институти инсонпарварлик тамойилининг амалдаги кўриниши бўлиб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларни жамиятдан ажратмасдан туриб тарбиялаш имконини беради. Х.Аликперов эса ярашувни нафақат жабрланувчи ва айбдор ўртасидаги келишув, балки давлат ва жиноятчи ўртасидаги мураса сифатида баҳолайди.

М.Рустамбаевнинг фикрича, ярашув асосида жавобгарликдан озод қилиш жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш ва унинг айбдор шахсни кечирishi билан боғлиқдир. Шу жиҳатдан, мазкур институт жиноят содир этган шахснинг айбдорлигини инкор этмайди, балки жазони қўллагандан туриб тарбиявий таъсир чораларини амалга оширишга хизмат қилади.

### **Халқаро тажрибада ярашув институти**

#### **АҚШ ва Буюк Британия тажрибаси**

АҚШда жиноят ишларининг 90 фоиздан ортиғи plea bargaining — айбни тан олиш бўйича келишув орқали ҳал қилинади. Мазкур институт айбланувчи томонидан айбни тан олиш эвазига жазони енгиллаштириш ёки айбловни юмшатиш имконини беради. Бу эса судларга тушадиган юклагани камайтириш, ишлар кўриб чиқилишини тезлаштириш ва процессуал иқтисодийликни таъминлашга хизмат қилади.

Буюк Британияда 2009 йилда “Code for Crown Prosecutors” асосида айбига иқрорлик битимлари тизими янада такомиллаштирилди. Кодексда далиллар мезони ва жамоат манфаати мезони асосий тамойил сифатида белгиланган.

#### **Франция ва Германия тажрибаси**

Францияда медиация институти Жиноят-процессуал кодексининг 41-1-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, прокурор томонларнинг розилиги билан воситачилик жараёнини бошлаш ҳуқуқига эга.

Германияда “Absprachen im Strafverfahren” механизми қўлланилиб, у суд муҳокамаси жараёнида тарафлар ўртасида келишувга эришиш имконини назарда туттади.

#### **Нидерландия ва Бельгия тажрибаси**

Нидерландияда “транзакция” институти кенг тарқалган бўлиб, айбдор шахс давлат ғазнасига белгиланган пул суммасини тўлаши ёки зарарни қоплаши орқали жиноий таъқибдан озод этилади.

Бельгияда эса медиация принципи ҳатто оғир жиноятларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин бўлиб, етказилган зарарни қоплаш, ижтимоий ишлар бажариш ва касб-ҳунар таълими олиш каби шартларни ўз ичига олади.

#### **Швейцария ва Испания тажрибаси**

Швейцария Жиноят-процессуал кодексининг 316-моддасида ярашув тартиб-қоидалари алоҳида мустаҳкамланган. Унга кўра, томонлар ярашган тақдирда прокуратура иш юритишни тугатади.

Испанияда медиация асосан вояга етмаганлар адлияси соҳасида қўлланилиб, қайта тарбиялаш механизми сифатида намоён бўлади.

#### **Хориж давлатларида ярашув институти**

Россия, Беларусь, Украина, Озарбайжон ва Туркменистон қонунчилигида ярашув асосан биринчи марта жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилади. Кўплаб давлатларда ярашув институти жиноятларнинг аниқ рўйхатини бермасдан, уларни оғирлик даражасига кўра тоифаларга ажратади. Масалан, Россия ва Тожикистон Жиноят кодексларига кўра ярашув унча оғир бўлмаган ва ўртача оғирликдаги жиноятларга, жумладан, жазоси 5 йилдан ошмайдиган қасддан содир этилган ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган барча жиноятларга татбиқ этилади. Қозоғистонда эса ярашув жинойий қилмишлар ва шу каби оғирлик даражасига эга жиноятларга, агар улар одам ўлимига олиб келмаган бўлса, қўлланилади. Шу билан бирга, ҳар бир давлат ўз қонунчилигидаги ҳуқуқий тамойиллар ва жиноят-ҳуқуқ сиёсатига асосланган ҳолда, ярашув институтини қўллашнинг ўзига хос шартларини белгилаган. Масалан, баъзи мамлакатларда ярашувга фақат жабрланувчининг розилиги асосида йўл қўйилса, бошқаларида зарарнинг қопланиши ёки келишув шартларига мувофиқлик каби мезонлар асос қилиб олинади. Бундан ташқари, ярашув институтининг қўлланилиши суд органларига жиноят ва жамоат хавфсизлиги даражасини, жиноят содир этувчининг шахсий хусусиятларини ва ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда адолатли қарор қабул қилиш имконини беради.

Қатор давлатлар қонунчилигида ярашув институтини қўллашга йўл қўймайдиган ҳолатлар белгиланган. Масалан, Қозоғистонда ярашув вояга етмаганларга нисбатан жинсий дахлсизликка қарши жиноятлар (фақат 14-18 ёшдаги шахсларга нисбатан вояга етмаганлар содир этган ҳолатлар бундан мустасно),<sup>24</sup> эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бир ёки бир нечта шахсларнинг ўлимига сабаб бўлган жиноятлар, коррупцион, террорчилик ва экстремистик жиноятлар, шунингдек, уюшган гуруҳ таркибида содир этилган жиноятлар учун қўлланилмайди.

Барча давлатларда ярашувнинг мажбурий шarti жабрланувчининг розилиги ҳисобланади. Кўпчилик мамлакатлар қонунчилиги ярашувни қўллаш учун зарарнинг ярашувгача тўлиқ қопланишини талаб қилади. Аммо Болтиқбўйи мамлакатларида зарар ярашувдан сўнг қопланиши мумкин. Болтиқбўйи мамлакатлари (Латвия, Литва ва Эстония) қонунчилигида ярашув институтининг қўлланилиши бўйича ўзига хос ёндашувлар мавжуд. Ушбу давлатларда ярашувни қўллаш учун етказилган зарарни ярашувгача тўлиқ қоплаш мажбурияти мавжуд эмас. Бу эса Болтиқбўйи мамлакатларини кўпчилик Европа давлатлари қонунчилигидан ажратиб туради, чунки аксарият мамлакатларда зарарни тўлиқ қоплаш ярашувнинг зарурий шarti сифатида белгиланган. Латвия Республикасининг Жиноят кодексига кўра, ярашув қонун чиқарувчи органлар томонидан ҳуқуқий сиёсатнинг инсонпарварлик тамойилларига мос равишда жорий этилган бўлиб, жиноят содир этувчининг жабрланувчи билан келишувга эришиши асосий омил сифатида қаралади. Бироқ, зарар қопланишининг тўлиқлиги ёки жароҳатлар оқибатини бартараф этиш бўйича

<sup>24</sup> Ответственность за совершение преступлений против половой неприкосновенности несовершеннолетних. 18.11.2017. [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=39709259](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=39709259).

фаол ҳаракатлар ярашувнинг иловавий шартлари сифатида қаралади.<sup>25</sup> Литва Республикасининг Жиноят кодексида ҳам шунга ўхшаш қоидалар мавжуд. Кодексга кўра, ярашув жабрланувчининг розилигига асосланади ва зарарнинг қопланиши шарт эмас, бироқ, суд томонидан зарарни қоплашга қаратилган ҳаракатлар айбдорнинг ҳаракатларини баҳолашда ижобий омил сифатида қабул қилинади.<sup>26</sup> Бу жараёнда асосий мақсад жиноят содир этган шахсни ижтимоий ҳаётга қайта интеграция қилиш ҳисобланади. Эстония Республикаси Жиноят кодекси эса ярашув институтини қўллашда ижтимоий барқарорлик ва адолат тамойилларига асосланади. Кодексга кўра, жабрланувчи билан келишувга эришилган тақдирда зарарнинг тўлиқ қопланганлиги шарт қилиб белгиланмайди. Бунда асосий эътибор жиноят содир этувчининг ижтимоий масъулиятни англашга қаратилган ҳаракатларига қаратилади.

Қозғоғистон, Қирғизистон, Латвия, Литва ва Эстония қонунчилигида эса мазкур чеклов мавжуд эмас. Айниқса, Болтиқбўйи давлатларида ярашув учун зарарни ярашувгача тўлиқ қоплаш мажбурий шарт ҳисобланмайди. Бу эса тикловчи адолат тамойилларининг устуворлигини кўрсатади. Амнистия ва афв институтлари қатор давлатларда жиноий жавобгарликни либераллаштиришнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади.

#### **Ўзбекистон қонунчилигида ярашув институти**

Ўзбекистон Республикасида ярашув институти 2001 йил 29 августда қабул қилинган қонун асосида Жиноят-процессуал кодексга киритилган. ЖПКнинг 62-бобида ярашув ҳақидаги ишлар юритиш тартиби белгиланган. Ўзбекистонда жамият ҳуқуқий тизимини ривожлантириш ва модернизациялаш умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ қоидаларининг устуворлиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини олий қадрият сифатида тан олиш, жамият ҳар бир аъзосининг фаровонлигини таъминлаш асосида олиб борилмоқда. Ҳуқуқий тизимда халқимизнинг асрлар оша синовдан ўтган давлат-ҳуқуқий тажрибаси ўз аксини топмоқда. Натижада юридик жавобгарликдан озод этиш тобора кенг қамровли, мустақил институт сифатида шаклланимоқда.

Юридик жавобгарликдан озод этиш тизимида ярашув институтининг аҳамият беқиёс. Шу сабабли ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этиш қоидасининг қонунчиликда мустаҳкамланиши суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришларнинг янги йўналишини ташкил этади.

Ҳозирги кунда Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ 61 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш мумкин.

Ярашув институтининг амалдаги аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

- жабрланувчига етказилган зарарни тезкор қоплаш;
- айбдор шахсни жамиятдан ажратмасдан туриб тарбиялаш;

<sup>25</sup> Латвия Жиноят кодекси. Kriminālprocesa likums .Attēlotā redakcija: 15.07.2023.

<https://www.wipo.int/wipolex/ru/legislation/details/21960>

<sup>26</sup> Atspausdinta iš e-seimas.lrs.lt. Закон Литовской Республики от 19 июля 1994 г. № I-551. О внесении изменений и дополнений в уголовный, исправительно-трудовой и уголовно-процессуальный кодексы Литовской Республики. <https://e-seimas.lrs.lt/portal/legalActPrint/lt?jfwid=-9dzqnu8gj&documentId=TAIS.62409&category=TAD>.

- судларга тушадиган юкломани камайтириш;
- жамиятда инсонпарварлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш;
- қайта жиноят содир этиш эҳтимолини камайтириш.

Бироқ амалиёт ярашув институтини қўллаш жараёнида қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Аввало, ярашув институти татбиқ этиладиган жиноятлар доираси чекланганлиги мазкур институтнинг имкониятларини тўлиқ намоён этишга тўсқинлик қилмоқда. Айниқса, ижтимоий хавфи катта бўлмаган айрим иқтисодий ва мулкӣ жиноятлар бўйича ҳам ярашув механизмларини қўллаш эҳтиёжи сезилмоқда. Шунингдек, медиация институтининг жиноят-процессуал муносабатларда етарли даражада ривожланмаганлиги, профессионал медиаторлар фаолиятининг тизимли йўлга қўйилмаганлиги ҳам амалиётда муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Бундан ташқари, ярашув жараёнларини амалга ошириш билан боғлиқ процессуал тартиб-таомилларнинг аниқ ва батафсил регламентлаштирилмаганлиги турли ҳуқуқни қўллаш амалиётининг шаклланишига сабаб бўлмоқда. Айрим ҳолларда суд ва тергов органлари томонидан мазкур институтни қўллашда ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслиги ҳуқуқий ноаниқликларни юзага келтирмоқда. Бу эса ўз навбатида ярашув институтининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Халқаро тажриба ва ривожланган давлатлар амалиётидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон қонунчилигида ярашув институтини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Хусусан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган айрим иқтисодий ва мулкӣ жиноятларни ҳам ярашув институти қўлланиладиган жиноятлар қаторига киритиш ушбу институтнинг амалий аҳамиятини оширишга хизмат қилади. Бу эса жиноят содир этган шахсни жамиятдан ажратмасдан туриб тарбиялаш, етказилган зарарни тезкор қоплаш ва ижтимоий муносабатларни тиклаш имконини беради.

Шу билан бирга, медиация институтини жиноят-процессуал қонунчиликда мустақил институт сифатида мустаҳкамлаш зарур. Бунда профессионал медиаторлар иштирокида ярашув жараёнларини ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқий мақоми ва ваколатларини белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, профессионал воситачилик механизми низоларни тинч йўл билан ҳал қилишда самарали восита ҳисобланади.

Шунингдек, АҚШ ва Буюк Британия тажрибаси асосида айбига иқзорлик битими (plea bargaining) институтини миллий қонунчиликка босқичма-босқич имплементация қилиш масаласини ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Ушбу механизм судларга тушадиган юкломани камайтириш, жиноят ишларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш ҳамда процессуал иқтисодийликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ярашув жараёнининг процессуал қафолатларини кучайтириш ҳам муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Айниқса, жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, унга нисбатан босим ёки мажбурлаш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида суд назорати механизмларини янада такомиллаштириш зарур.

Бундан ташқари, Европа давлатлари тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, жиноий-хуқуқий низоларни суддан ташқари ҳал қилишга ихтисослашган махсус медиация марказлари фаолиятини ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундай марказлар фаолияти жиноят ишларини ҳал қилишнинг муқобил механизмларини ривожлантириш, ижтимоий келишув ва хуқуқий маданиятни юксалтиришга хизмат қилади.

### **Таклиф ва тавсиялар**

Халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон қонунчилигини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

**1. Ярашув институти қўлланиладиган жиноятлар доирасини кенгайтириш.**

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган айрим иқтисодий ва мулкӣ жиноятларни ҳам мазкур институт доирасига киритиш мақсадга мувофиқ.

**2. Медиация институтини жиноят-процессуал қонунчиликда мустақил институт сифатида мустаҳкамлаш.**

Профессионал медиаторлар иштирокида ярашув жараёнларини амалга ошириш механизмларини жорий этиш зарур.

**3. Айбига иқрорлик битими институтини жорий этиш.** АҚШ ва Буюк Британия тажрибаси асосида plea bargaining механизмини миллий қонунчиликка имплементация қилиш мумкин.

**4. Ярашув жараёнининг процессуал кафолатларини кучайтириш.** Жабрланувчи хуқуқларини ҳимоя қилиш, босим ёки мажбурлаш ҳолатларининг олдини олиш учун суд назоратини кучайтириш лозим.

**5. Махсус медиация марказлари фаолиятини йўлга қўйиш.** Европа давлатлари тажрибаси асосида жиноий низоларни суддан ташқари ҳал қилиш марказларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

### **Хулоса**

Ярашув институти жиноят хуқуқида инсонпарварлик, адолат ва тикловчи адолат тамойилларини таъминлашга хизмат қилувчи муҳим хуқуқий механизм ҳисобланади. Халқаро тажриба мазкур институтнинг жиноятчиликка қарши курашишда самарали восита эканлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда ярашув институтини янада такомиллаштириш, медиация ва айбига иқрорлик битими каби муқобил механизмларни жорий этиш суд-хуқуқ тизими самарадорлигини ошириш, судлар юкламасини камайтириш ҳамда инсон хуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – URL: <https://lex.uz>

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – URL: <https://lex.uz>

10-May, 2026-yil

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Ярашув институтини қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарори // <https://lex.uz>
4. Code for Crown Prosecutors. Crown Prosecution Service. – London, 2009.
5. French Code of Criminal Procedure (Code de procédure pénale). – Paris, 2023.
6. Swiss Criminal Procedure Code. – Bern, 2022.
7. Netherlands Criminal Code. – Amsterdam, 2021.
8. German Criminal Procedure Code (Strafprozessordnung). – Berlin, 2022.
9. Garland D. The Culture of Control: Crime and Social Order in Contemporary Society. – Oxford: Oxford University Press, 2001.
10. McConville M., Wilson G. The Handbook of the Criminal Justice Process. – Oxford University Press, 2002.
11. Rustambayev M.X. O‘zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi. Umumiy qism. – Toshkent: TDYU, 2021.
12. Аликперов Х.Д. Примирение в уголовном праве. – Москва: Норма, 2018.
13. Наумов А.В. Российское уголовное право. Общая часть. – Москва: Юрист, 2019.
14. Келина С.Г. Освобождение от уголовной ответственности в уголовном праве. – Москва, 2017.
15. Остянина В. Институт примирения в уголовном праве зарубежных стран // Журнал российского права. – 2020. – №4. – С. 45–52.
16. Мухторов Н. Ярашув институтининг ҳуқуқий табиати ва аҳамияти // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. – 2022. – №3. – Б. 34–41.